



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА
«ФИДОКОР ЁШЛАР» ЖАМОАТЧИЛИК ПАТРУЛЬ
ГУРУҲЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор.

Абдумуталов Азизбек Камолiddин ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 311-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17746328>

ARTICLE INFO

Received: 11th November 2025
Accepted: 12th November 2025
Published: 28th November 2025

KEYWORDS

*Профилактика
инспектори, Фидокор ёшлар
жамоатчилиги патрули,
ҳамкорлик, хавфсизлик.*

ABSTRACT

*Мақолада профилактика инспектори
фаолиятида «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги
патруль гуруҳлари билан ҳамкорликни
такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилинади.*

Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги босқич бошланиб, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш ва аҳолининг шахсий хавфсизлик ҳиссини оширишга қаратилган тизимли ишловлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2018 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [1] ги ПҚ-4075-сон қарорида таъкидланганидек, бу йўналишдаги фаолият «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида тубдан янгиланиб, норматив-ҳуқуқий база қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоатчилиги тузилмалари иштирокининг етарли даражада самарали бўлмаётгани, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг, жумладан ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйишда фуқаролик фаоллигининг пастлиги каби муаммолар сақланиб қолмоқда. Мазкур вазият профилактика инспекторлари фаолиятини жамоатчилиги билан, хусусан, «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги патруль гуруҳлари билан мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг таъсирчан иштирокини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган бир қатор амалий таклифлар Президентнинг ПҚ-4075-сон қарорида маъқулланган.

Ушбу қарорга мувофиқ, **биринчи**, Тошкент шаҳрида ўзининг юқори самарасини кўрсатган ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳларини шакллантириш модели республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этилиши белгиланди. Бу ташаббус ёшларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларига фаол жалб қилишга хизмат қилади.

Иккинчидан, профилактика (катта) инспекторларига ушбу жамоатчилик патрул гуруҳлари фаолиятини кунлик назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва уларнинг вазифаларини маҳалладаги профилактик тадбирлар билан уйғунлаштириш вазифаси юклатилди. Бундай ёндашув профилактика инспектори фаолиятида ёшлар ресурсидан самарали фойдаланишнинг янги ташкилий механизмларини белгилаб берди.

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан ҳамкорликда бир ой муддатда республика ҳудудларида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юкланди. Бу эса жамоатчилик патруллари тизимини миллий даражада институционаллаштириш ва унинг барқарор фаолиятини таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.

Натижада, профилактика инспектори ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик ҳозирги шароитда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2018 йилдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [2] ги ПҚ-3786-сон қарорида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини таркиби белгилаб берилга:

Жумладан:

- муддатли ҳарбий хизматни ўташ ниятида Мудофаа ишлари бўйича туман бўлимига мурожаат қилган ҳарбий хизматга чақирилувчилар;
- республика олий ҳарбий таълим муассасаларига ва ички ишлар органларининг таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодлар;
- ички ишлар органларида хизмат қилиш истагини билдирган номзодлар.

Қарорда белгилаб қўйилдики:

- жамоатчилик гуруҳлари таркибига кириш Мудофаа ишлари бўйича туман бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида амалга оширилади;
- жамоатчилик гуруҳлари улар фаолият олиб борадиган маҳалла ҳудудида яшовчи ёшлардан шакллантирилади;
- жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича жавобгарлик туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва профилактика инспекторлари зиммасига юкланади;
- ҳар бир аъзо сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт миқдоридида патруллик қилишга жалб этилади ва бу хизматга (ўқишга) ҳужжатларни яқуний қабул қилишга асос ҳисобланади;
- ўз маҳалласида ҳуқуқ тартиботни таъминлашда фаол қатнашган аъзоларга профилактика инспекторлари ва фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда

хизматга (ўқишга) танлов ўтказишда инobatга олинадиган тавсияномалар берилиши мумкин.

Натижада, профилактика инспектори ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим элементи, балки жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор стратегик йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

Юрт таянчи ва ишончи – ушбу мамлакатнинг ёшлари ҳисобланади. Бугунги кун ёшлари ҳар томонлама илғор, ташаббускор ва ўз фикрига эга келажак бунёдкорларидир. Келажак эгаларининг ўқиши, билим олиши, ҳунар эгаллаши, дунё миқёсида ўз иқтидори ва истеъдодини намоён қилиши борасида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича юртимизда кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Натижада, профилактика инспектори ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик нафақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим элементи, балки жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор стратегик йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари билан Самарали ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Биринчи. Патруллик ва тезкор мониторинг механизмини ишлаб чиқиш:

Профилактика инспекторлари ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари маҳаллада ҳуқуқбузарликларни кундалик патруллик ва тезкор маълумот алмашиш орқали назорат қиладилар. Бу тизим нафақат содир бўлаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш имконини бериши мумкин. Патруллар таълим муасасалари, одам кўп тўпланадиган жойларга қаратилганда самарадорлиги ошади.

Иккинчи. Ёшлар фаолиятини рағбатлантириш ва маҳалла интеграциялаш:

Ёшлар гуруҳлари фаоллиги рағбат ва ташаббуслар орқали қўллаб-қувватланади, бу уларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги масъулиятини оширади. Шу билан бирга, профилактика инспектори ва жамоатчилик патруллари маҳалла еттилиги ва ёшлар ишлари агентлиги билан мунтазам ҳамкорликда ишлаши, профилактика ишларини кенгайтириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2018 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2018 йилдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786